



МИНТАҚА ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОПТИМАЛ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МАЪМУРИЙ- ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

Ш.Х.Мухитдинов

Қарши давлат университети

Туризм ва маркетинг

кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10676931>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-February 2024 yil

Ma'qullandi: 15- February 2023 yil

Nashr qilindi: 19- February 2023 yil

KEY WORDS

*Маъмурий-ҳуқуқий асослар,
туристик маълумотлар,
Иқтисодий механизм, туризмни
давлат томонидан қўллаб-
қувватлаш механизми, туризм
инфраструктураси*

ABSTRACT

*Ушбу мақолада минтақа туризмини
ривожлантиришнинг оптимал тартибга
солишнинг маъмурий-ҳуқуқий жихатлари
бугундаги талабларининг назарий устунликлари
ёритилган*

Маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш объектлари масалалари кўп томонламали ва амалга оширилиши керак бўлган муаммолардир. Минтақа туризмини ривожлантиришда асосий мақсадлардан бири туризм субъектлари ва туризм фаолиятининг асосий аҳамиятга эга бўлган оринларини ҳимоя қилиш, туризм фаолиятини ривожлантириш ва янги инфраструктураларни яратиш бўлади. Уларнинг ортиқча ишларни ҳал қилиш мақсадида бошқарув, ҳуқуқий ва иқтисодий таклифлар ишлари олиб борилади. Бундан ташқари, туризмнинг ривожлантирилишида тарихий ва табиий меъёрларни ҳимоя қилиш ва афзаллаштириш, туристларга хизмат кўрсатишда қулайликни таъминлаш, туристик маълумотларни тақдим этиш, асосий марказлар ва кўмакчи бизнесларни ҳимоя қилишни амалга ошириш жуда муҳим рол ўйнайди. Умуман, минтақа туризмини ривожлантиришнинг маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш объектлари ўрнатиш ва туризм инфраструктурасини янгилаш мақсадида жаҳонда амалга оширилаётган тажрибаларни мувофиқлаштириш мумкин.

Туризм соҳаси олдида қўйилган муҳим вазифаларнинг бажарилиши унга нисбатан турли иқтисодий механизмларни қўллаш орқали ҳал этилади. Илмий адабиётларда «Иқтисодий механизм» тушунчасининг моҳияти ва унинг иқтисодий тараққиётдаги роли муаммоларига бағишланган жуда кўп қарашлар мавжуд. Шу сабабли минтақа туризмининг ривожлантириш механизмига қуйидагича таъриф беришни лозим топдик: минтақа туризмини ривожлантириш механизми – соҳа фаолияти кўрсаткичларига яхши таъсир кўрсатувчи ва уларнинг ривожланишига олиб келувчи, тармоқларнинг ривожланишини таъминловчи ўзаро узвий боғлиқ элементлар мажмуидир. Ушбу таъриф асосида туризмни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини таклиф этилди. 1-расм



1-расм. Минтақа туризмини ривожлантиришнинг маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш механизми

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”¹да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг мамлакатимиз бўйлаб қулай шароитларда саёҳат қилишлари учун туризм инфратузилмасининг имкониятларини яратиш, Республикада туризм инфратузилмасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, соҳада тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш ва жаҳон бозорларида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиш дастурларини қабул қилинганлиги бу минтақавий туризмни ривожлантиришга асос бўлади.

Мамлакатимизда глобал иқтисодиёт шароитида бир қатор туризмни ривожлантириш тартиби ва унинг келажагдаги истиқболларини яратиш мақсадида бирқатор ҳукумат қарорлари ва чора-тадбирлари ишлаб чиқилди 1-жадвал.

1-жадвал

Республикада туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар²

¹ <https://lex.uz/docs/-6759699>

² Муаллиф томонидан ҳуқуқий ва меърий ҳужжатлар портали www.LEX.uz маълумотлари асосида таёрланган

№	МЕЪЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ НОМИ	ҲУЖЖАТ ТУРИ
1	Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, №ПФ-9, Қабул қилинган сана 12.01.2024, Кучга кириш санаси 18.01.2024
2	Ўзбекистон Республикасида тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, №ПҚ-20, Қабул қилинган сана 12.01.2024, Кучга кириш санаси 18.01.2024
3	Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, №ПҚ-376, Қабул қилинган сана 28.11.2023, Кучга кириш санаси 30.11.2023
4	Туризм йўналишидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, №ПҚ-238, Қабул қилинган сана 27.07.2023, Кучга кириш санаси 29.07.2023
5	Маъмурий ислоҳотлар доирасида маданият ва туризм соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, №ПФ-114, Қабул қилинган сана 27.07.2023, Кучга кириш санаси 27.07.2023
6	Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, №ПҚ-135, Қабул қилинган сана 26.04.2023, Кучга кириш санаси 05.05.2023
7	Туризм маҳаллаларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, №86, Қабул қилинган сана 27.02.2023, Кучга кириш санаси 28.02.2023

Бугунги кунда соҳани ривожлантириш ва тартибга солишда юқоридаги келтирилган меърий ҳужжатларининг барча туризни давлат томонидан қўллаб қуватлашнинг яққол мисолидир.

Хусусан, прогнозлаш, мувофиқлаштириш, режалаштириш ва назорат қилиш тизими туризмни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳозирги туристик амалиётни қўллаш самарадорлиги

муҳим рол ўйнайди. Туристлар оқимининг марказий ва жанубий ҳудудларда инфратузилманинг ёмон ривожланиши, туризм бўйича минтақавий қонунчиликнинг номукамаллиги, ташкилий-ҳуқуқий муаммолар, туризмга инвестицияларни жалб қилишнинг мотивацион механизмларининг йўқлиги соҳани ривожлантиришда қаршилик кўрсатади. Умуман олганда ҳар қандай кетма-кетликни амалга ошириш учун тўсқинлик қилувчи асосий сабабларни аниқлаб олиш керак булар:

- 1) трансчегаравий йўналишларни ривожлантиришнинг ягона стратегиясининг йўқлиги;
- 2) ҳудудий туризм бошқармаларининг паст фаоллиги;
- 3) туристик инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- 4) йиллик инвестиция майдонларининг йўқлиги;
- 5) малакали кадрлар этишмаслиги;
- 6) миллий туристик маҳсулот етарли даражада тарғиб қилинмаганлиги;
- 7) виза тўсиқлари;
- 8) ҳаддан ташқари маъмурий расмийатчиликлар.

Маҳаллий ва ривожланиши учун асосий чекловчи омиллар умуман олганда, туризм қонунчилигининг ҳозирги ҳолатининг асосий тенденциялари шуни кўрсатади, деган хулосага келиш ўринлидир “номукамаллиги ва уларни янада ривожлантириш заруратидир.

Шу сабабли, ушбу тадқиқот контекстида назарий таҳлилни иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан «туризм» моҳиятини аниқламасдан туриб тасаввур қилиб бўлмайди.

Умуман олганда, шуни таъкидлаш мумкинки, халқаро миқёсда туризмга ҳақиқий эътибор сўнгги йигирма йил ичида кўпроқ қайд этилган. Шунга қарамай, туризм соҳасидаги кўриб чиқиладиган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар туризм соҳасидаги ички қонунчиликни шакллантириш ва ривожлантириш учун асос бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Muxammedov M.M. va boshqalar. Xizmat ko'rsatish sohasi va turizmni rivojlantirishning nazariy asoslari // - S.: Zarafshon 2007. 299 b.
2. O'zbekiston Respublikasining "Turizm to'g'risida" qonuni. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 19.07.2019 y., 03/19/549/3446-son.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 2 dekabrda "O'zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida" PQ-2666-son qarori
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 19 iyundagi "Turizm sohasini sanitariya-epidemiologik xavfsizlikning kuchaytirilgan rejimi talablariga qat'iy rioya qilgan holda rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4755-son qarori
5. Mukhitdinov Kh.S. Econometric Modeling Of Public Service Networks. Psychology and Education (2020) 57(8): 625-632 ISSN: 00333077
6. Suyinovich, Muxitdinov Xudoyor, Rakhimov Anvar Norimovich, and Muxitdinov Shoxjaxon Xudoyorovich. "The forecast for the development of the public services sector." Solid State Technology 63.6 (2020): 18671-18681.
7. Mukhitdinov, Shoxijahon Khudoyarogli. "An imitation model of quality utility services to the population." South Asian Journal of Marketing & Management Research 10.12 (2020): 44-

50.

8. Юлдошев Дониёр Абдурахмонович Ш.Х.Мукхитдинов. “МИНТАҚА ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОПТИМАЛ ТАРТИБГА СОЛИШ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ”, ACADEMIC RESEARCH IN MODERN SCIENCE, 2023/2, <https://doi.org/10.5281/zenodo.7623681>

9. Sh.X. Muxitdinov, “Рақамли иқтисодиёт шароити коммунал хизматлар соҳасини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар таъсирини баҳолаш”, ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ, 2022/10, 2022/10-2

10. Ш.Х. Мухитдинов, “Қишлоқда коммунал хизмат кўрсатиш сифатини АКТдан фойдаланиб ошириш”, 2021/8/7

11. Muxitdinov Shoxijaxon Hudoyorovich,” ECONOMETRIC MODEL OF IMPROVING THE QUALITY OF PUBLIC UTILITIES”, Journal of Management Value & Ethics, Том 128, Номер ISSN-2249-9512, Journal of Management Value & Ethics Gwalior Management Academy (GMA) Publications.

12. www.Lex.uz

13. <https://president.uz/ru/lists/view/3324>.

14. <https://www.unwto.org>.



INNOVATIVE
ACADEMY